

ЖАДИДЧИЛИК: ИСЛОҲОТ ВА ЯНГИЛАНИШ

Боймуродов Б., ГулДУ ўқитувчиси

Ўз-ўзини англаш асносида инсон ўзлигини, келиб чиқишини, ота-боболарини танийди ва улар қилган ишларини ўрганади. Бунинг учун албатта тарихни билиш мақсадга мувофиқдир. Тарихни билиш учун эса кучли малака, билим ва дунёқараш керак бўлади. Ўзлигини англаган инсон теварак-атрофга, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ўзининг баҳосини беради ва унга акс таъсир қилади. Буни жуда ҳам яхши тушунган чор ҳукумати албатта мамлакатни ўз ҳукми остида тутиб туриш учун бунга йўл қўймас эди.

Туркистонда ўрнатилган мустамлакачилик зулми XIX аср охири–XX аср бошларида янада кучайди, маҳаллий халқни иқтисодий жиҳатдан талаш, эзиш билан биргаликда, уларни жаҳолатда, саводсизликда тутиб туриш, маънавий қашшоқлаштиришга интилар эди. Албатта бизнинг миллий руҳи бақувват халқимиз бунга қарши туришга ҳаракат қилди. Мустамлакачилар ўзларининг ғояларини туб аҳолига сингдириш мақсадида турли хил усуллардан фойдаландилар. Шу мақсадда улар ўлкага амалдорлар, ҳарбийлар, банкирлар, савдо-саноатчилар, муҳандис-техниклар, руҳонийлар, илмий кучлар, ишчилардан иборат ўзларининг кучларини сафарбар этдилар. Аммо бу золимлар қанчалик уринмасинлар, ҳурлик ва озодлик учун халқ интилишини сўндиролмадилар, миллий-озодлик ҳаракати кучайгандан-кучайиб борди. Тарихий вазият миллат равнақини ўлчовчи зиёлилар, маҳаллий буржуазия вакиллари, уламолар орасидан халқни уйғотиш, миллий онгини бойитиш, бирлаштириш учун курашувчи кучларни тайёрлаб етиштирди.

Бу йўлда кенг миқёсда фойял олиб борган оқим бу – жадидчиликдир. Шарқ ва Ғарбни таққослаб, Шарқ мусулмонлари, хусусан Россия мустамлакачилиги остидаги мусулмонлар цивилизациядан, жаҳон тараққиётдан узилиб қолаётганини қрим-татар фарзанди Исмоил Ғаспирали (1851-1914) биринчи бўлиб англади. У туркий халқлардаги жаҳолатни йўқ қилиш, маънавият ва маърифат орқали тараққий топган мамлакатлар даражасига кўтарилиш ҳаракатини бошлаб берди. Исмоил Ғаспирали маорифни ислоҳ қилиш, мактабларда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кўтарди.

У 40 кун ичида 12 та ўқувчини саводини чиқариб, ўлкада шуҳрат қозонди. Унинг кейинги қиладиган муҳим ишларидан, ҳар бир халқни турмуш тарзини, ўзлигини англаш, миллийликни қайтадан шакллантириш учун миллий ғояни тарғиб қилиш эди. Бу иш “Таржимон” газетаси воситасида амалга оширилди.

1893 йилда Исмоил Ғаспирали Туркистонга келиб, илғор зиёлилар билан учрашиб, ўз ғояларини ёйди. Туркистон жадидларига Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдуқодир Шакурый, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ва бошқалар «Нажот илму-урфонда» ғояси орқали маорифни ислоҳ қилиш, миллийликни шакллантириш, ёшларни миллий руҳда тарбиялаш йўлидан бордилар. “Усули жадид” мактабларини очиб уларнинг тармоғини кенгайтди, уларда диний таълимотдан ташқари, ҳикмат, кимё, нужум, хандаса каби дунёвий билимлар ўргатилди, савод чиқариш тезлаштирилди.

Диққатга сазовор томони шундаки, Туркистон, туркийлар тарихини ўргатишга алоҳида эътибор берилдики, бу талабаларнинг миллий онгини уйғотишга, жамиятни этник жиҳатдан бирлаштиришга хизмат қиларди. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Ўз уруғи отини билмаган, етти отасини танимаган кул-манқуртдир”, деган сўзлари талабаларни миллий ўзлигини англашга чақирар эди. Жадид намояндалари ўзлари дарсликлар яратиб уларни амалда қўллаганлар, бунга мисол қилиб Мунаввар Қорининг «Адиби аввал», «Адиби Соний», Бехбудийнинг «Китобат-ул атфол» каби дарсликларини кўрсатиш мумкин. Улар миллий мактаб ва миллий тарбияни юқори савияга кўтаришга хизмат қилди. Жадид мактабларида ҳар томонлама билим, маънавий етук, ўз халқининг тарихини ва дунёвий ишларини яхши ўзлаштирган кадрлар тайёрлаб чиқарилган эди.

Қолаверса, жадидлар ёшларни чет элларга ўқишга юбориш ташаббуси билан чиқдилар. Бой табақаларнинг илғор вакиллари жадидларнинг бу ҳаракатини маъқуллаб, маблағ билан кўмаклашдилар. Кўпгина умидли ёшлар Германия, Миср, Туркия, Россиянинг марказий шаҳарларига ўқишга юборилди. 1910 йили Бухорода мударрис Хожи Рафий ва бошқалар «Болалар тарбияси» хайрия жамиятини ташкил этиб, 1911 йилда 15 та, 1912 йилда 30 та талабани Туркияга ўқишга жўнатди. 1909 йилда Мунаввар Қори тузган «Жамияти хайрия» ҳам мискин ва ожиз талабаларга ёрдам берар, ёшларни чет элга ўқишга юборишга ёрдамлашар эди.

Бу маълумотларни келтиришга сабаб, аجدодларимизнинг узокни кўра билгани, ёшларни ўқишига шароит яратиб бериш ўша даврда муҳим ва долзарб муаммолардан эканлигини тушуниб, шу беназир хизматларни амалга оширганликларини таъкидлашдир.

Туркистон жадидлари адолат, эрк ва озодлик учун курашда ўз фаолиятларини дастлаб таълим тизимини тубдан ислох қилишга қаратиб 3 йўналишда олиб бордилар:

- янги усулдаги жадид мактабларини очиш;

- умидли ёшларни чет элга ўқишга юбориш;

- турли маърифий жамиятлар тузиш йўли билан омма ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш орқали зиёлиларнинг кучли фирқасини ташкил этиш.

Бу ишларнинг мазмун-моҳияти, мақсади ва натижасини биз ёшлар Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганидан сўнг кўрмоқдамиз. Ҳозирги даврда ривожланиб бораётган таълим жараёнининг рақобатбардош малакали кадрларни етиштириш борасида кенг кўламли ишлари кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида олиб борилаётганлигини шохиди бўлаяпмиз. Бугунги кунда ёшларимиз чет давлатларда таҳсил олиб қайтмоқдалар, албатта бу мустақиллик шарофати. Зеро жадидлар ҳам миллий мустақилликни орзу қилган, таълим тарбия ҳам мустақиллик қўлга киритилгандагина юксак чўққига кўтарилишини тушуниб етганлар ҳамда «нажот истиқлолда» ғояси остида бирлашганлар, шу йўлда жон олиб жон берганлар. Сизу – биз ватанимиз тарихини чуқур, асосли ўрганиш орқалигина миллий истиқлолдек бебаҳо неъматнинг қадрини янада теран тушунамиз ва у бизнинг қўлимизга осонлик билан келмаганлигига, унга эришиш йўли оғир, машаққатли кечганлигига, бу борада мислсиз қурбонлар берилганлигига гувоҳ бўламиз. Истиқлол неъматини авайлаб асраш, уни нон каби, жон каби улуғлаш, бугина эмас уни мустаҳкамлаш ва кучайтириш борасида доимо саъй-ҳаракатда бўлиш ҳар биримизнинг виждон ишимиз ва фуқаролик бурчимиз бўлмоғи лозим.